

## А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил август ойининг 18 куни, жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг очик сайёр суд мажлиси, Уйчи тумани “Кесканёр” МФЙ биносида бўлиб, туман судининг раиси [REDACTED] нинг раислигида, судья ёрдамчиси [REDACTED] нинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Уйчи туман прокурорининг катта ёрдамчиси [REDACTED], судланувчи [REDACTED], жабрланувчи вояга етмаган [REDACTED] ва унинг қонуний вакили [REDACTED] нинг иштирокида, [REDACTED] га оид 1-1608-[REDACTED]-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

[REDACTED], [REDACTED] йил [REDACTED] да Наманган вилояти, Уйчи туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, [REDACTED] талабаси, уйланмаган, судланмаган, [REDACTED] да яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 25 июнда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи ва жабрланувчининг аризалари билан танишиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб, иш бўйича тарафлар фикрини эшитиб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи [REDACTED] 2025 йил 5 июнь куни соат 22:00 ларда [REDACTED] ҳудудида жойлашган шифохона биноси олдида таниши вояга етмаган [REDACTED] билан ўзаро гап тортишиб, уни [REDACTED] билан ишқий муносабатда бўлганликда гумон қилиб, [REDACTED] ни қасддан уриб, соғлигини бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати етказган.

Суд-тиббиёт экспертизасининг 2025 йил 10 июндаги [REDACTED]-сонли хулосасида [REDACTED] да, бош мия чайқалиши, иккала периорбитал соҳа, юқори лаб, кулоқ сурпаси юмшоқ тўқималари лат ейиши, қонталашлари, чап юқори учинчи тиш бўйин қисмидан синиши кўринишида бўлиб, ушбу жароҳатлар соғлигини бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати гуруҳига кириши кўрсатилган.

Дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED] ўзининг юқоридаги ғайриқонуний ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланиб, жиноят иши судда кўриш учун юборилган.

Жабрланувчи вояга етмаган [REDACTED] қонуний вакил бобоси [REDACTED] иштирокида суд муҳокамасида ариза билан мурожаат қилиб, 2025 йил 5 июнь куни соат 22:00 ларда судланувчи [REDACTED] у билан гап тортишиб юз қисмига уриб тан жароҳати етказгани, унинг даволаниши учун кетган сарф-харажатларни тўла қолаб, кечирим сўрагани, судланувчи билан



ўзаро ярашиб олишгани, [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, суд томонидан ЖПКнинг 583-моддасидаги ярашув оқибатлари тўлиқ тушунтирилгани, судланувчи билан ўзаро ярашиб олишгани сабабли унга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашув тартибида тугатишни сўради.

Судланувчи [REDACTED] суд муҳокамасида ариза билан муурожаат қилиб, 2025 йил 5 июнь куни соат 22:00 ларда [REDACTED] ҳудудида жойлашган шифохона биноси олдида таниши жабрланувчи [REDACTED] билан ўзаро гап тортишиб уни юз қисмига уриб, тан жароҳати етказгани, ҳозирда жабрланувчи уни кечириб, ўзаро ярашиб олишгани, айбига иқрор ва қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги сабабли жиноят ишини ярашув тартибида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида Жиноят кодекси 109-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, етказилган зарарни бартараф этиб, жабрланувчи билан ярашса, жиноят ишини ярашув тартибида тугатиб, жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, ўзаро ярашиб олишгани, ўрталарида мулкий низо йўқлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан судланувчи [REDACTED] [REDACTED] нинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан уни жавобгарликдан озод этиб, жиноят ишини ярашув тартибида тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

## А Ж Р И М      Қ И Л А Д И

[REDACTED] га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши у жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач судланувчи [REDACTED] га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят ишига илова қилинган бир дона “DVD” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига хусусий шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

[REDACTED]

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича  
Уйчи туман судининг раиси

[REDACTED]

